

«Огизун»дан ясалган нисба. У — Бухородаги кишлоклардан бири. Куйидаги олимлар шу кишлокда мансубдирлар:

1.□□ □ Хошид ал-Огизуний (ваф. тахм. 250 х.й.)

(Абу Абдуррахмон) Хошид ибн Абдуллох ибн Абдулвохид ибн Мухаммад ибн Абдуллох ибн Айман ибн Абдуллох ибн Мурра ибн ал-Ахнаф ибн Кайс ас-Саъдий ал-Огизуний. У уламолардан, уламолар эса ундан хадис ривоят килганлар. Тахм. 250 х.й.да вафот этган (2: 1/266; 11: 1/ 194).

2.□□ □ Абдулвохид ал- Огизуний (ваф. тахм. 200 х.й.)

(Абу Абдуллох) Абдул-вохид ибн Мухаммад ибн Абдуллох ибн Айман ибн Абдуллох ибн Мурра ибн ал-Ахнаф ибн Кайс ат- Тамимий ал-Огизуний — юкорида номи зикр этилган Абу Абдуррахмон Хошиднинг бобоси. Кудамо имомлардан бўлган, Огизун кишлогида яшаган. У уламолардан, уламолар эса ундан хадис ривоят килганлар. Тахм. 200 х.й.да вафот этган. (2: 1/74; 11: 1/ 64, 194).